*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

*Qonunning mohiyati*

# РАВОН ЙЎЛЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2006 йил 20 декабрдаги 535-сонли Қарорида белгиланган жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган автомобиль йўллари қурилишини янада ривожлантириш, транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт коридорларига кенг интеграциялашувини таъминлаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ва автойўллар соҳасида 30 дан ортиқ халқаро конвенциялар, келишув ва шартномаларнинг, шунингдек, миллий транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва халқаро транспорт тизимларига интеграциялаш бўйича халқаро ташкилотлар ишлаб чиқаётган дастурларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Шунга асосан, Қонунда халқаро нормаларга оид, хусусан, 1995 йилнинг 17 январида ратификация қилинган **«Йўл ҳаракати тўғрисида»**ги Конвенциянинг 4-моддаси, **«Йўл белгилари ва ишоралари тўғрисида»**ги Конвенция (Вена, 1968 йил 8 ноябрь)нинг тегишли моддаларидаги автомобиль йўлларини номлаш, индексация қилиш, йўл белгилари ва уларнинг ўрнатилишини халқаро стандартларга мослаш, масофани ҳисоблаш ва белгилашга доир нормалар ўз аксини топган.

Қонунда автомобиль йўллари фаолиятини аниқловчи бир қатор тушунчалар белгилаб берилган. Бунда баъзи тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Автомобиль йўллари тўғрисида»**ги Қонун таҳриридан аниқлик киритилган ҳолда олинган, бошқа янги тушунчалар эса, республика автомобиль йўллари тизимининг замонавий ривожланиш босқичидан, автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилишни ташкил этишнинг халқаро тажрибасидан, йўл фаолиятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва бозор муносабатларининг ўрнини ошириш зарурияти асосида ишлаб чиқилган.



Хусусан, Қонунда **«автомобиль йўли»**, **«автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар»**, **«ажратилган минтақа»**, **«йўл бўйи минтақаси»**, **«хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари»** ва бошқа тушунчалар назарда тутилган. Унга кўра, **автомобиль йўли — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси.**

Қонун автомобиль йўлларининг таснифини ўрнатади, мазкур автомобиль йўлларининг эгалари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда, уларни бошқариш асосларини ва уларнинг эгалари ҳамда фойдаланувчиларининг мажбуриятларини белгилайди, шунингдек автомобиль йўлларини тузиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкий муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари, мансублигига кўра, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, хўжалик автомобиль йўллари ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг автомобиль йўлларига ажратилади.

Қонуннинг 9-моддасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлаши белгиланган. Улар халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Қонуннинг 10-моддаси шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари мақомини аниқ белгилаб беради. Шу билан бирга, уларнинг давлат мулки эканлиги, улар жойлардаги давлат ҳокимияти органларига хўжалик юритиш ва оператив бошқариш учун берилиши, умумий фойдаланиш учун очиқлиги, сотилмаслиги ва хусусий мулк сифатида берилмаслиги белгиланган. Уларни бошқариш, сақлаш, таъмирлаш ва ривожлантириш маҳаллий бюджет ҳисобидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Қонунда автомобиль йўлларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш асослари, мазкур жараёндаги давлат иштироки турлари, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби, шунингдек, мазкур йўллардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Қонуннинг 5-боби автомобиль йўлларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солади. Бунда автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, фойдаланиш тартиби, ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби, автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш, автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари, фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги масалалари белгиланди.

Мазкур Қонунни ва унга доир дастурларни амалга ошириш, **биринчидан,** мақсадли давлат молия ресурсларини йўл қурилиши соҳасидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни; **иккинчидан,** автойўлларни, шу жумладан, халқаро транспорт маршрутлари таркибига кирувчи йўллар ва давлат аҳамиятига эга йўлларни қуриш ва қайта таъмирлашни; **учинчидан,** автойўллар тармоғини сақлаш ва такомиллаштириш, ички ва ташқи йўналишларда юк ҳамда йўловчилар ташиш оқимининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, унинг халқаро транспорт тизимларига интеграцияланиши, йўл тармоғининг ўтказиш салоҳиятини оширишни; **тўртинчидан,** автойўлларнинг, аввало, халқаро ва давлат аҳамиятига молик автойўлларнинг транспорт-эксплуатация сифатларини халқаро меъёрлар ва стандартлар талаблари даражасига етказишни; **бешинчидан,** автоҳалокатлар ва республика йўл-транспорт мажмуининг атроф-муҳитга нохуш таъсирини камайтиришни; **олтинчидан,** мамлакат автотранспорт коммуникацияларининг ягона, яхлит ва самарали тармоғини шакллантиришнинг навбатдаги босқичини тугаллашни таъминлаш имконини беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси **«Автомобиль йўллари тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётни барқарор ва динамик ривожлантиришга, республиканинг мудофаа қобилияти ва иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш даражасини ўстиришга имкон яратувчи автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг фойдаланилиш хусусиятларини оширишга, қаратилган муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди**

*21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун*

# Миллат қиёфаси

**Ҳар бир миллат ўзининг энг азиз қадриятлари билан фахрланиб келган. Шулардан бири — она тили ҳисобланади.**

Неча асрлардан буён эъзозланиб, сайқалланиб келган она тилимиз ҳам бошидан кўп сир-синоатларни ўтказди. У барча таъна-дашном, синовларга бардош берди. Том маънода, ўзбек тили давлат тили мақомини олганидан кейин ривожланиб, ўз мавқеини тиклаб борди. **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида»**ги Қонуни қабул қилингандан кейин, айниқса, республикамиз мустақиллигини қўлга киритгач, тилимизнинг имкониятлари янада кенгайди.

Ўтган 18 йил ичида она тилимизнинг равнақи учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, бу борада соҳа мутахассисларининг самарали ишлари таҳсинга сазовордир. Олим ва мутахассисларимизнинг ўзбек тилининг янги қирралари, кенг имкониятлари ҳақидаги тадқиқот ва изланишлари унинг ривожи учун муҳим аҳамият касб этган бўлса, уни ўрганувчилар учун ҳам бу амалий ишлар яхши дастуриламал бўлди. Шуниси қувонарлики, хорижликлар орасида ҳам ўзбек тилини ўрганувчилар сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда бутун дунёда ўзбек курашининг ўзига хос жиҳати тимсоли — «ёнбош», «ҳалол» каби сўзларнинг жаранглаб туриши ҳам ўзбек тилининг қанчалик мавқеи ортганлигини кўрсатиб турибди.

Республикамиз мактабларида лотин ёзувига асосланган янги алифбомизда ўқув ишларининг олиб борилиши ҳам ўзбек тилининг ривожланишига ёрдам беряпти.

Тўғри, кўчалардаги пештахта, лавҳалар, эълонлар, фирма, корхоналарнинг номларини янги алифбомиз асосида ёзишда баъзан имловий хатоликларга йўл қўйилаяпти. Телекўрсатувларнинг титрларида ҳам бу каби хатоларни учратиш мумкин. Бироз эътибор берилса, бу камчиликлар бартараф этилади, албатта.

Тил — миллатнинг қиёфаси. Уни авайлаб-асраш, такомиллаштириб, янада юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Авар халқининг машҳур шоири Расул Ҳамзатов айтганидек:

*Майли, ким қай тилдан*
*завқу шавқ олса,*
*Менинг ўз тилимга минг*
*жоним фидо.*
*Эрта она тилим агар*
*йўқолса,*
*Мен бугун ўлишга*
*бўлурман ризо.*

**Мадина ҲАМДАМОВА,**
**ЎзМУ магистранти**

***Демократик давлатнинг муҳим белгиси бу — сайлов жараёнидир. Сайлов беқиёс ҳуқуқий ҳамда сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижалари бутун халқнинг хоҳиш-истаклари ва иродасини ифода этади. Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ суверен демократик республика бўлган Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.***

*Minbar*

# Халқ хоҳиши

**«Хоҳиш-ирода»** атамаси мустақиллигимиз шарофати билан қонунчилигимизга кириб келди. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида **фуқароларнинг сайловда ихтиёрий равишда қатнашишлари, сайлов фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши белгилаб қўйилган.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ вакиллик органларининг мукаммал тизими кўрсатилган. Аммо сайлов жараёнининг аҳамияти шундаки, бунда фуқаролар бевосита иштирок этадилар ва унинг натижалари ҳар бир сайловчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган қонунлар таҳлили юртимизда демократиянинг энг муҳим талаби – ҳар бир фуқаронинг сайловда бевосита қатнашишини таъминлайди. Айтиш жоизки, сайлов ўтказиш тартиби ҳам мумкин қадар соддалаштирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддаси ва **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.**

Сайловда қатнашувчи фуқаро ихтиёрий равишда сиёсий-ҳуқуқий қарор қабул қилиш орқали ўз хоҳиш-иродасини намоён этади. Сайловчи бюллетенга белги қўйишда ўзга таъсирдан холи тарзда, ўзининг нуқтаи назари, номзоднинг салоҳияти, шу вақтгача амалга оширган ишлари ва дастуридан келиб чиқиб, унинг салоҳиятига баҳо беради. Сайловчи мазкур номзод билан ўзининг эзгу истакларини боғлайди, унга ишонади.

Шунга кўра олдимиздаги сайловни юқори савияда ташкил этиш жуда муҳим вазифадир. Сайловга тайёргарлик жараёнида юртимизда эришилган барча ютуқлардан, муваффақиятли қўлланилган сайлов холислигини таъминлашга йўналтирилган тажрибалардан кенг фойдаланмоқ жоиз.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов уюшқоқлик билан ўтказилади ҳамда халқимизнинг юксак сиёсий–ижтимоий фаоллигини намойиш қилибгина қолмасдан, юртимизда халқ ва давлат ҳокимиятининг якдиллигини бутун жаҳон оммасига яна бир бор намойиш этади.

**Дилноза ДЕҲҚОНОВА,**
**ТДЮИ 1-босқич магистранти**

*Sharh*

# Ҳуқуқий асос яратилди

## ОАВ ва суд-ҳуқуқ тизими муносабатлари хусусида

*Иккинчи мақола*

Конституциямизнинг 67-моддасида қайд этилганидек, **«Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди»**. Бош Қомусимизнинг шу ва бошқа нормалари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги, **«Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»**ги, **«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги, **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги Қонунлари журналистларнинг ҳуқуқларини жаҳон андозаси даражасида кенгайтирди. Шу билан бирга, улар зиммасига қатор бурч ва мажбуриятлар ҳам юклади.

Таъкидлаш лозимки, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат икки масалада алоҳида ўрин тутади; **Биринчиси**, судларнинг транспарентлиги, маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш бўлса, иккинчиси, журналистлар томонидан суд жараёнига аралашувга йўл қўймаслик, судьялар мустақиллигига дахл этмаслик ёки судга таъсир этувчи негатив ҳолатларнинг олдини олишдир.

Оммавий ахборот воситаларининг суд маълумотларидан эркин фойдаланишлари — судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг шаклигина бўлиб қолмай, бундай фойдаланиш эркинлиги суд хатолари эҳтимолини камайтиради. АҚШда чоп этиладиган "THE MEDIA AND THE LAW" журналида таниқли журналист Х.Симонс ва ҳуқуқшунос Д.Калифано бу борада ўз қарашларини қуйидагича асослантирганлар:



**«Суд қарорларини қўллаб-кувватлашнинг асоси инсонлар ҳисобланади. Бундай қўллаб-кувватлашни таъминлашнинг энг самарали усули эса оммавий ахборот воситаларидир».**

Афсуски, журналистика амалиётида суд жараёнларини ёритиш масалалари ҳамиша долзарб муаммо бўлиб келган. Албатта, бунинг бир неча сабаблари бор: **Биринчидан**, ОАВда суд жараёнларини ёритишнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, яъни суд транспарентлиги, аккредитация, айбсизлик презумпциясига амал қилиш шартлари, журналист текшируви, диффамация ҳуқуқи, раддия, маънавий зарар каби тушунчаларнинг мавжудлиги, **иккинчидан**, ОАВда суд жараёнларини ёритишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларида зиддиятлар мавжудлиги, **учинчидан,** суд жараёнларини ёритувчи журналистларнинг ихтисослашуви ва касб этикаси муаммолари, **тўртинчидан**, ОАВда суд жараёнларининг ёритилишида жаҳон тажрибасининг ўрганилганлиги ва амалиётга жорий этилиши муаммоси мавжудлигида.

Матбуотда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолаларнинг асосий қисмини жиноят ишларининг тафсилотлари акс эттирилган мақолалар ташкил этади. Журналистлар фуқаролик ишларига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида тиклаш масалаларига камдан-кам ҳолларда мурожаат этмоқдалар. Натижада, судлар фаолиятининг асосий вазифаси бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш масалалари ОАВда деярли ёритилмасдан қолмоқда.

ОАВда эълон қилинаётган мақолалар гўёки суд ҳукмини ёки ҳал қилув қарорини эслатади. Бунинг сабаби, бизнингча, мақолаларнинг манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим ёки ҳал қилув қарори) асосида иш чуқур таҳлил этилмасдан ва журналистик текширув ўтказилмасдан тайёрланишидир. Оқибатда мақолалар аксарият ҳолларда қуруқ ва бир тарафлама бўлиб қолмоқда. Бундай мақолалар жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қилмасдан, балки жамият аъзолари ўртасида турли зиддиятлар туғилиши, натижада мақола муаллифини ҳам суд жавобгарлигига олиб келиши мумкин. Бу эса суд жараёнини ёритувчи журналистларнинг ихтисослашувини ҳамда касб этикаси қоидаларига алоҳида эътибор қаратишларини талаб этади.

Амалдаги ОАВга доир қонунчилик журналистга ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини беради, аммо у терговчи, прокурор ёки судьядан фарқли ўлароқ, ўз манбаасидан ахборотни талаб қилиб олишга, бирор-бир процессуал ҳаракатлар ўтказишга ҳақли эмас. Журналист текширувини прокурор ёки терговчининг суриштирувидан фарқлай олиши лозим. Гап журналистни қизиқтирган факт ёки ҳодисани чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда ҳар томонлама исботланган мақола ёзиши, чоп этиши, умуман, тарқатиши хусусида кетмоқда. Бу ҳаракатлар журналистга қонунчилик томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида, сўз эркинлиги масъулиятини ҳис қилган ҳолда олиб борилишини талаб этади.

Афсуски, судларда ОАВ вакиллари билан ишлаш бўйича аниқ тизим ишлаб чиқилмаганлиги, барча журналистларга бир хил муносабат қилинмаслиги (масалан, аккредитациялаш, шарҳлар тақдим этиш ва ҳ.к. масалаларда) кўпинча очеркшунос ва малакали журналистлар томонидан эътирозларга ҳам сабаб бўлади.

Бугун таҳририятлар муҳаррирлар журналистларнинг ҳуқуқий масалаларда ихтисослашувига барча имкониятларни яратиб бериши, **журналистика факультетларида ҳуқуқий журналистика бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилиши**, ҳуқуқий соҳада қалам тебратадиган журналистларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш, **олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида «ҳуқуқий журналистика» ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш** долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Олимжон ЎСАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси**

**Юртимизда олиб борилаётганислоҳотлар ва эркинлаштириш туфайли бугун одамлар бутун имкониятларини рўёбга чиқариш учун ўз кучига, ақл-заковатига, ғайрат-шижоатига ишониб яшаяпти. Фермерларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга янада кўпроқ эркинликлар яратиш ҳукуматимизнинг доимо диққат-эътиборида.**

*Qonun barchaga barobar*

# Даъво рад этилди

Фермерликнинг ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигида юксалиш яққол намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда эл-юрт учун ризқ-рўз, мўл-кўл ҳосил яратувчи, ишининг кўзини биладиган омилкор бободеҳқон ернинг хўжайинига, чинакам, ҳақиқий эгасига айланди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида фермер хўжаликлари эмин-эркин фаолият юритишлари учун барча етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ, ҳамма жойда ҳам фермерларга яратилган ушбу қонуний эркинликларга тўсиқларсиз эришилаётгани йўқ. Баъзи ҳолларда фермерлар фаолиятига турли мутасадди идоралар томонидан тўсқинлик қилиш ҳоллари учраб турибди. Таҳлил қилиб кўрганда, бунинг ўзига хос сабаблари кўзга ташланади.

Масалан, фермер баъзи ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етмайди. Баъзан эса шартнома шартларига амал қилмайди. Чунки, баъзан шартномалар тарафларнинг ўзаро тенглиги таъминланмасдан, манфаатлар мослиги ҳисобга олинмай, ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланмасдан тузилади. Натижада низолар юзага келиб, у ёки бу тараф адолатни қарор топтириш учун хўжалик судларига мурожаат қилади.

Ғиждувон туман ҳокимининг 2004 йил 1 мартдаги 90-сонли қарорига асосан «Улфатбиби» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Йўлдошбобо» фермер хўжалиги ташкил этилади. Фермер хўжалигига 9,5 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида 2004 йил 24 апрель куни Ғиждувон туман ҳокимлиги билан фермер хўжалиги ўртасида 30 йил муддатга ер ижара шартномаси тузилади.

2006 йил 29 декабрда эса туман ҳокими вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, узоқ муддатли ер ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўрайди.

Даъво аризасида фермер хўжалиги томонидан пахта ҳосили етиштириш бўйича агротехника қоидаларига риоя этилмаганлиги, оқибатда 2006 йилда тузилган давлатга пахта сотиш бўйича контрактация шартномасини бажармаганлиги баён этилган.

Бир қарашда даъвогар даъво талабларини тўғри қўйаяпти. Суд ўз ваколати доирасида даъвогар важларини ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида пухта ўрганиб чиқди. Натижада тарафлар ўртасида низо келтириб чиқарган важлар сув юзидаги кўпикдай ёрилиб, йўққа чиқди.

Хўш, важлар инобатга олинмаганлигининг асослари қайси ҳолатларда ўз исботини топмади?

Биринчидан, суд жараёнида даъвогар вакиллари томонидан даъво талаби асослаб берилмади. Мониторинг далолатномалари тақдим этилмади.

Иккинчидан, туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошлиғи Жамил Ўринов ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош ҳосилоти Меҳриддин Ражабовлар томонидан берилган хулосалар иш ҳолатига мутлақо тўғри келмайди.

Жумладан, Меҳриддин Ражабов ва Жамил Ўриновлар судга тақдим этилган хулосаларида фермер хўжалиги раҳбари Рашид Йўлдошев ер майдонидан хўжасизларча фойдаланганлиги, ғўза вегетацияси даврида агротехник тадбирлар кечиктириб юборилганлиги натижасида режалаштирилган ҳосил олинмаганлиги, ер баллбонитети сунъий равишда пасайишига олиб келинганлиги кўрсатиб ўтилган.

Аслида ҳолат тамоман бошқача. Рашид Йўлдошев 2006 йил 16 январда Ғиждувон пахта тозалаш заводи очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича 414-сонли контрактация шартномаси тузган. Фермер хўжалиги аъзолари 3,5 гектар ер майдонига чигит экиб, 12,5 тонна ўрнига 13,7 тонна ҳосил топшириб, режани ошиғи билан бажарган. Ернинг баллбонитетини аниқлаш, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ваколат доирасига кирмаса-да, мутасаддилар жимжимадор имзолар қўйишиб, хулосалар беришган.

Туман ҳокимлиги эса уларнинг хулосаларига асосан хўжалик судига даъво аризаси киритган. Натижада фермер хўжалигининг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларига зиён етказилган.

Вилоят хўжалик суди туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошлиғи Жамшид Ўринов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош ҳосилоти Меҳриддин Ражабовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги **«Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»**ги Фармонига асосланиб, интизомий жазо қўллаш ҳақида хусусий ажрим чиқариб, тўғри тўхтамга келган.



Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 36-моддаси 1-қисми 7-бандида ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга асос бўлишлиги белгиланган. «Йўлдошбобо» фермер хўжалиги эса ташкил қилингандан бери муттасил равишда шартномавий режаларини бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2004 йил 12 мартдаги **«Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида»**ги қарорида **«Ер кодекси»**нинг 36-моддаси 1-қисми 6-бандига асосан фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган хўжаликнинг ер участкасидан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланганлиги, шунингдек контрактация шартномасида кўзда тутилган экинлар ўрнига тўла ёки қисман бошқа экинлар экканлиги ижара шартномасини бузиш деб ҳисобланиб, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисми 1-бандига мувофиқ ижара берувчининг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши мумкинлиги ўз аксини топган. Фермер хўжалиги фаолиятида бундай қонунбузилиш ҳолатлари ҳам кузатилмаган. Пировардида «Йўлдошбобо» фермер хўжалиги ижара шартномасини бузмаганлиги учун суд адолатли қарор қабул қилди. Даъвогарнинг даъво талаби рад этилди.

**Алишер ҲАСАНОВ,**
**Бухоро вилоят хўжалик суди судьяси,**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*2007 yil — «Ijtimoiy himoya yili»*

# Одамийлик ўлмасин



Туман ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи Нормамат Худайбердиев одатдагидек барвақт ишга келди. Орадан кўп ўтмай, қабулига ногиронлик аравачасида бир киши кириб келди.

– Бахтсиз ҳодиса туфайли анча олдин икки оёғимдан ажраган эдим, тўрт бола билан қийналиб яшаётган эдим, — деб ўзини тута олмай йиғи аралаш гап бошлади Нарпай туманидаги Тошкент маҳалласининг Чайқам қишлоғида яшовчи Шодмон Жабборов. — Бундан ўн кун олдин шифохонада эдим. Туман ҳокимлигининг ижтимоий таъминот бўлими вакиллари, оиламизга онабола ҳадя этишибди. Турмуш ўртоғим касалхонага келиб, мендан суюнчи олди. Бу гапни эшитиб кўзларимга ёш қалқди, — дейди у.

— Бизнинг асосий вазифамиз «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни изчил тартибда амалга оширишдан иборатдир, — дейди Самарқанд вилоят Нарпай туман Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Нормамат Худойбердиев. — Туманимизда нафақа олувчилар 17246 нафар кишини ташкил этади. Шундан ёшига доир нафақа олувчилар 10494 нафарни, ногиронлик нафақасини олувчилар 3686 нафарни, боқувчисини йўқотганлар 1329 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 16 нафар ногиронга ногиронлик аравачаси, 8 нафар ногиронга эшитиш мосламаси, қарияларга 25 дона ҳасса, 18 дона қўлтиқ таёқ туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан олиб берилди. Бундан ташқари, туманда «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан «Меҳр мурувват маркази» ташкил этилган бўлиб, ушбу марказга 80 нафар ёлғиз, боқувчисини йўқотган қариялар бикитилган. Туман марказида ташкил этилган махсус ошхонада улар ҳомийлар ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқдалар. Умуман, шу йилнинг ўтган даври мобайнида туманда истиқомат қилувчи нафақахўр ва ногиронларга қарийб ҳомийлар томонидан 2,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Шу йил ҳисобидан 74 нафар ногирон ва қариялар мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларига бориб, дам олиб қайтдилар. Шунингдек, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан биринчи гуруҳ ногирони Шодмон Жабборовга, Қалаба ширкат хўжалигининг Катта қишлоғида яшовчи Кўчқор Худойбердиевга онабола сигир олиб берилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан тумандаги ўндан ортиқ кам таъминланган оилаларга Ижтимоий таъминот бўлими ҳисобидан телефон тармоғи ўтказилди, шунингдек, туманда истиқомат қилувчи 4 нафар имконияти чекланган болаларга ўқув қуроллари тухфа этилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан ушбу бўлим қошида бир қатор хайрли ишларга қўл урилган. Жумладан, Ижтимоий таъминот бўлими қошида ногиронлар аравачаси, эшитиш аппарати, қўлтиқтаёқ каби мосламаларни маълум муддатга, жуда арзон нархда зарурат туғилган кишиларга ижарага бериш йўлга қўйилди.

Ҳа, одамийлик деб аталмиш юксак инсоний туйғуга ҳеч қачон путур кетмасин. Чунки одамийлик туфайли минглаб хаста дилларга қувонч улашилмоқда.

**Азим ҚОДИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Qonundan chetga chiqmang*

# Олғирлар

***Тадбиркорликни ихтиёр қилган киши, аввало, унинг йўл-йўриғини ўрганади, оладиган фойдаси-ю, чекадиган заҳматини тарозига солиб кўради. Бу ишни эплаган, меҳнатдан қочмаган одам ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтиради. Бундайларнинг ҳамиша дастурхони тўкин, юзи ёруғ бўлади.***



**Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилаётган бир шароитда нафси ҳакалак отиб, ноқонуний даромадга ружу қўйганлар ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, тадбиркорликка сохтакорлик аралашган жойда жиноят пайдо бўлади. Жиноят эса жазосиз қолмайди.** Яхши ниятлар билан масъулияти чекланган жамият таъсис этиб, уни «Пойтуғ таъминот» дея номлаган А.Сатторов ишлари юришиб, ҳисоб рақамидаги пуллар кўпая борган сари ҳаловатини йўқотди. Аввалига борига қаноат қилиб, қонун-қоидалардан четга чиқмаган раҳбар нима бўлди-ю, Избоскан туман солиқ инспекциясига молиявий фаолияти юзасидан ҳисоботларни тақдим этмай қўйди. Бу билан у 2006 йил учун 10.991.500 сўм мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлади.

Бундай ноқонуний хатти-ҳаракат билан чекланиб қолмай, А.Сатторов ўтган йил давомида «Асакаёғ» ОАЖдан 161.045 килограмм, яъни 144.449.684 сўмлик пахта ёғини олиб чиқиб, маҳсулотни нақд пулга сотиб юборди. Савдодан тушган пуллар кассага эмас, унинг киссасига тушди. Бошқармамиз томонидан ўтказилган ҳужжатли текшириш чоғида бу устаси фаранг «ишбилармон» солиқ ва мажбурий тўловлардан 55497,2 минг сўмни қасддан яширгани аниқланди.

Шундай «олғир тадбиркор»лардан тумандаги «Азиза-XXI» хусусий корхонаси раҳбари К.Нуритдинов ва бош ҳисобчиси Х.Ҳакимов маҳсулот етказиб бериш тўғрисида бартер шартномаларини тузиш ва етказиб берилган маҳсулот учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўланиши зарурлигини билган ҳолда ва тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан ундирилиши тақиқланганига қарамасдан, уч томонлама шартнома ва битимлар тузишган. Нафс домига тушган сохта «тадбиркор»лар 2005-2006 йиллар давомида 1.739.896.900 сўмлик банкдан ташқари ўзаро ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишади. Уларнинг қонунга зид ҳаракатлари туфайли «Асакадон-маҳсулотлари» АЖ, «Андижонбиокимёзаводи» ОАЖ ва «Қўқонспирт» АЖ манфаатларига зарар етказилиб, мазкур корхоналарнинг катта миқдордаги мулклари талон-тарож қилинган.

Бундан ташқари, бу устаси фаранглар 287.834.600 сўмни туман солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларида кўрсатишмаган. Натижада 7.771.400 сўм солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. Корхонада ўтказилган ҳужжатли текширишда мансабдор шахслар томонидан солиқ ва мажбурий тўловлардан бюджетга 88286,5 минг сўм тўланмагани аниқланди.

Ҳозирги кунда ҳар икки юридик субъект раҳбарлари ва мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Дарвоқе, ҳаётда ҳар бир инсон, жумладан, тадбиркор ҳам фаровонликка интилиб яшайдики, бу табиий ҳол. Лекин иқтисодий жиноятлар ортидан келадиган бойлик вақтинчалик эканини унутмаслик керак.

Бошқармамиз ходимлари томонидан **валютанинг ноқонуний айланиши, валюта айирбошлаш ва бошқа қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида жами 45 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 15 та ҳолатда 21 нафар шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.**

Вилоятдаги деҳқон ва буюм бозорлари ҳудудларида ноқонуний фаолият юритаётган «валюта бозор»лари фаолиятига чек қўйиш мақсадида ўтказилган тезкор тадбирларда жами 41 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, шундан 13 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, 28 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Мазкур ҳолатлар юзасидан «Андижонвилоятбозорлар» уюшмасига ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Хўжаобод тумани «Дўстлик» божхона пости яқинида жойлашган деҳқон бозори ҳудудида мунтазам валюта қимматликларини ноқонуний олиш ва ўтказиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳ аниқланиб, унинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида ўтказилган тезкор тадбир натижасида Я.Ҳамидова, Г.Ўрмонова ва С.Турсунова харидорларга 1600 АҚШ долларини сотаётган вақтда қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг ҳукмига асосан, 3.720.00 сўм жарима қўлланилди ва ҳуқуқбузарлардан олинган валюта қимматликлари давлат ҳисобига ўтказилди. Бундай ҳуқуқбузарликка мойил 61 нафар шахс билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот сотилишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилган тадбирлардан бирида Хўжаобод туманидаги шундай яширин цех фош этилди. Гулистон маҳалласида истиқомат қилувчи М.Ёқубжонова хонадонида харидорга қўлбола усулда ишлаб чиқарилган 40 шиша «Ўзбекистон СВ» спиртли ичимликларини сотаётганда қўлга олинди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда, серия ва рақамлари бир хил бўлган Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан елимланган 0,5 литр ҳажмдаги 22 шиша «Андижон СВ» ёрлиқли спиртли ичимлик, этикеткалар, қопқоқлар, «Андижон СВ» этикеткаси ёпиштирилган 150 дона ароқ шиша, қопқоқ ёпиш ва бошқа мосламалар борлиги аниқланди. Суд экспертизасида маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсизлиги маълум бўлди.

Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, ароқфуруш тегишли жазосини олади.

Ачинарли томони шундаки, енгил йўл билан бойлик орттириш илинжида юрган бундай «тадбиркорлар»нинг кирдикорлари оқибатида сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилган оддий фуқаролар азият чекишмоқда.

**Равшанбек ЖАББОРОВ,**
**СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи,**
**Шуҳратбек МУСАЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Xavotir*

# Эрмакка эрмак бўлманг...

***Одам ўзи кўрган нарсага кўпроқ ишонади. Дейлик, кашандага шифокор ўпкани тамом қиляпсиз, чекишни ташланг, дейди. Лекин бемор барибир тушунмайди. Тушунса-да, тўлиқ тасаввур қилолмайди. Шифокор эса касб тақозоси билан махсус асбоблар ёрдамида ўпканинг турли ҳолатларини кузатган, кўздан кечирган.***



Бундан уч йилча аввал Давлат санъат музейида бошқа кўргазмалардан буткул фарқ қилувчи (ҳатто бир қарашда кишини сескантириб юборувчи) одам анатомияси йўналишидаги кунскамера кўргазмаси намойиш қилинганди. Кўргазмадаги бир ашё жуда эътиборимни тортганди, ўшанда. Кашандалик оқибатида оғир хасталикка чалиниб, оламдан ўтган кишининг шиша банкада сақланаётган ўпкаси қандай бўлса шундайлигича кўргазмадан жой олганди. Санкт-Петербург шаҳрининг Антрополия ва этнография музейи билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур кўргазмага гиёҳвандлик, ичиш-чекиш каби иллатлар туфайли вафот қилган кишиларнинг шикастланган аъзолари махсус идишларда витриналарга қўйилган, улардан бирортасининг ёнидан бефарқ ўтиб бўлмасди. Уч литрлик банкага ўхшаш идиш ичида ўпка шаклидаги қора қурум жойлашган, ўпканинг ўзи деярли кўринмасди. «Тутун кириб чиқувчи жойнинг шундай бўлиши табиий-да», деди бир томошабин бош чайқаб. Суҳбатга қўшилган каттароқ ёшдаги киши «Одамнинг ўпкаси мўри эмаски, «вақти-вақти билан тозалаб турилса, қурумни қаранг», деб қўйди.

Албатта, сигаретанинг зарари ҳақида гап кетганда, бу хусусда бошқачароқ фикр айтувчилар ҳам йўқ эмас. Баъзан «Фалончи умр бўйи чеккан, лекин 90 ёшга кириб дунёдан ўтди», деб қолишади. Ажабо, демак ўша кишининг ўта соғлом ва кучли организмида балки 150-200 йил умр кўриш имкони бўлгандиру, сигарета бу рақамни анча қисқартириб қўйгандир, деган мулоҳазага боради киши. Чиндан ҳам шундай бўлиши мумкин-ку. Бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди дейишганидек, танага қабул қилинган ҳеч бир нарса изсиз кетмайди, яхшими-ёмонми, қандайдир вазифани бажаради. Дейлик, ўша идишдаги ўпкага ўрнашиб қолган қурумдай...

— Сигарета таркибидаги никотин танадаги тўқималарнинг ўлиб бориши, қон томирларининг беркилиб қолишига олиб келади, — дейди Миробод туман Марказий маслаҳат-ташхис шифохонаси шифокори Охунжонов. — Қон томирлари беркилишидан оёқнинг болдир қисмида оғриқ зўраяди. Одатда, бемор билмасдан шамоллашга қарши ўзини муолажа қилишга тутинади. Қандли диабетга чалинган беморларда эса никотин таъсирида томирлар емирилиши кузатилади ва бу гангрена пайдо бўлишига олиб келади...

Чекишни ташлаш қийин, баъзан «бунинг иложи йўқ», дейишади.

— Одатда чекмайдиганлар сигарета ҳидини ёқтирмайди. Ёки эндигина чекаётганлар сигаретанинг аччиқ тутунини хушламайдилар. Чекишни ташлаётган киши илк ҳолатдаги каби сигарета ҳидини ёқтирмай қолгунича умуман чекмасагина бу иллатдан ўзини қутқара олади. Одатда, бунга ҳамманинг ҳам иродаси етавермайди. Чекишни саноқли одамларгина ташлай билишининг сабаби ҳам ана шу муддатнинг узоқлигида. Чекишга ўрганганлик даражасига қараб бир йил, 5-6 ва ундан зиёд йилга чўзилиши мумкин.

Сигаретанинг зарари ҳақидаги тарғиботлар кўпинча чекмайдиган кишилар, айниқса, ўсмир ва ёшларга қаратилиб, шу иллатга ўрганиб қолишнинг олдини олиш назарда тутилади. Яъни тарғиботлар деярли профилактик характерда бўлади. Ўрни келганда яна бир нарсани айтиш жоиз. Чекмайдиган кишига гиёҳвандлик моддалари кайф бермаслигини назарда тутсак, сигарета чекишга ружу қўйиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга мойиллик уйғотиши мумкинлигини англайсиз.

Чекиш эрмак эмас, лекин бунга одатланган ёшларнинг аксарияти сигаретани шунчаки эрмак учун, баъзан зериканидан чекишади. Зерикканидан чекаётган киши худди ўз саломатлигидан зерикаётгандай, шунчаки қизиқиб сигаретага ўрганганлар эса ўз соғлиги билан қизиқмайдигандай туюлади. Хуллас, бу мавзуда сўз кетса, кўргазмада кўрганим — ўз умрига ўзи завол бўлган кишининг аянчли сабоғини эслайман. Ким билади, бемалол тўйиб-тўйиб нафас олишдай неъматнинг қадрини кейинчалик кеч бўлгач, англаб етганмикан?!

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

***Менга акционерлик жамияти ва унга кимлар аъзо бўлиши ҳақида маълумот берсангиз?***

**В.Сатторов,**
**Шофиркон тумани**

*Savol-javob*

# Акционерлик жамияти нима, акционер ким?

Акционерлик жамияти кўрсатилган номинал қийматига тенг акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган, Устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки билан жавобгар бўладиган жамият, деб эътироф этилади. Акционерлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлади. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тарқатилади. Очиқ турдагисида эса эркин сотилади ва сотиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар юридик ва жисмоний шахслари акционерлик жамиятининг таъсисчиси бўлиши мумкин. Акционерлик жамиятлари хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг пул маблағларини бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувга мувофиқ тузилади.

Ўз навбатида «Кимлар акционер бўлиши мумкин?», деган савол туғилиши табиий. Акцияларни сотиб ёки имтиёзли тарзда текинга олган жисмоний ва юридик шахслар акционер бўлиб ҳисобланади. Улар акцияни эркин тасарруф қилишга, акционерлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга, акционерлик жамияти фаолияти ҳақида тегишли ахборот олишга, акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни олишда алоҳида имтиёзга эга.

Акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари қуйидагича: ҳуқуқ бузилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузувчи ёки ҳуқуқни бузиш таҳдидини солувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, натура ҳолида ижро этишга ҳукм қилиш, зарарларни қоплатиш, маънавий зарар учун товон ундириш, ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки ўзгартириш орқали амалга оширилади. Акционерлар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда жамоат бирлашмаларига уюшишга ҳақлидирлар. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Тоҳир ФАЙЗИЕВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туман суди раиси**

*Izoh*

# Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк

## ёхуд уларни сотиш тартиби борасида

**Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти алоҳида ўрин эгаллайди.**

Мазкур департамент томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу департамент фаолияти тартибини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришда 2006 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори бу борада ҳуқуқий-меъёрий мезон бўлиб хизмат қилаётир. **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги Низом»**нинг қабул қилиниши ҳам мазкур қарор билан белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Чунки суд ҳужжатларини ижро этишда ҳам автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотишда қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган. Бу камчиликларни бартараф этиш орқали бу соҳадаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Шу мақсадда 2006 йил 1 октябрдан бошлаб суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш фақатгина биржалар томонидан махсус савдо майдонларида ўтказиладиган очиқ аукционлар орқали амалга оширилади. Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш бўйича ўтказиладиган аукцион савдоларида ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахснинг бевосита ёхуд вакил орқали иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

Зарурат бўлганда, ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳудудда танлов асосида бир ёки бир нечта биржалар белгиланиши мумкин, ушбу биржалар Адлия вазирлиги томонидан танлов асосида белгиланади ва тегишли суд ижрочилари туман ёки шаҳар бўлимларига бириктирилади.

Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни аукцион савдоларига қўйилгунга қадар кўздан кечириш ва баҳолаш уларни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахслари томонидан ташкил этилади. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишни назарда тутувчи бошқа ижро ҳужжатлари бўйича автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни кўздан кечириш ҳамда баҳолаш суд ижрочилари томонидан ташкил этилади.

Кўчмас мулк ҳолатини кўздан кечириш Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг ҳудудий органи мутахассисининг, давлат даромадига ўтказишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича эса ҳудудий молия идораси вакилининг иштирокида ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат даромадига ўтказилган автомототранспорт воситасини баҳолашда, унинг баҳоси божхона қийматидан келиб чиқиб, бироқ «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида божхона чегараси орқали ўтказишда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматда белгиланади. Кўздан кечириш ҳамда баҳолаш автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулк, қоида тариқасида, уларни кўздан кечириш билан бир вақтда, хатланган кундан бошлаб кўпи билан 3 кун ичида ўтказилади.

Биржанинг автомототранспорт воситалари сақланишини таъминлаш учун зарур шароитларга эга сақлаш жойи мавжуд бўлган ҳолларда, суд ижрочиси автомототранспорт воситасининг сақланиш жойини ўзгартиришга ва уни биржага тегишли жойларда сақлаш учун беришга ҳақли.

Аукционда ўтказиш шартлари ўзгартирилмаган ҳолда такроран кимошди савдога қўйилганда, аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарнома уни ўтказишдан камида 15 кун олдин берилиши лозим.

Аукционда сотиб олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, иштирок этиш учун ўз вақтида ариза берган, зарур ҳужжатларни тақдим қилган ва белгиланган тартибда закалат пулини тўлаган юридик ва жисмоний шахслар аукционда қатнашиши мумкин. Суд ижрочилари, Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари, солиқ, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати идораларининг ходимлари, сотилаётган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни кўздан кечирган ҳамда баҳолаган мутахассисларнинг аукционда иштирок этиши тақиқланади.

Аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмасдан аукционда сотиб олинган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк ҳақини тўлаши лозим. Биржа аукционда сотилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк учун тўлов миқдори тўлиқ келиб тушгач, ушбу пул маблағларини хизмат ҳақини ушлаб қолган ҳолда суд ижрочиларининг туман ёки шаҳар бўлими депозит ҳисобварағига ўтказиб беради.

Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари биржалар томонидан ижро ҳужжатлари бўйича аукцион савдоларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан доимий назорат олиб борадилар.

**Олимжон НУРМУҲАММЕДОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

*Shartnoma qonunchiligi*

# Масъулиятни унутган масъуллар



**Айни кунларда мамлакатимизда, пахта йиғим-терими авжи паллага кирган. Боbodеҳқоннинг бош қашишга вақти йўқ. Чунки эрта баҳордан бери тиним билмай қилган меҳнатининг ҳосили етилган, уни нес-нобуд қилмай йиғиб олиши лозим.**

Албатта, ҳосил ўз-ўзидан пишиб етилмайди. Бунда соҳа мутахассисларидан тортиб хизмат кўрсатувчи корхоналар вакилларигача деҳқону фермерларга елкадош бўлишлари шубҳасиз. Аммо бу йил Ёзёвон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмаси масъуллари зиммаларидаги масъулиятли вазифани уддалай олишмади. Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур бўлинмада шартномавий муносабатларга оид қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларининг ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари буни тасдиқлади.

Маълум бўлишича, ўтган йили туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмаси билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан 475 та (151.176.600 сўмлик) шартномалар тузилганди. 2007 йил бошида эса 627 та (261.362.700 сўмлик) ана шундай шартномаларга имзо чекилган. Бироқ айрим шартномалар бўйича бўлинма томонидан жиддий хатоликка йўл қўйилган.

Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги **«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 1154-сонли Фармонига ҳамда тарафлар ўртасида имзоланган шартномаларнинг 3.2-бандига биноан, барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчи ва буюртмачиларга, агар улар етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламаса, маҳсулот жўнатиши, иш ва хизмат кўрсатиши тақиқланган. Лекин 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, бўлинмадан 139.940 сўм ва 152.647 сўм муддати ўтган дебитор қарзи бўлган «Фар Абдусамин» ва «Фар Қурбонали бобо» фермер хўжаликларига 381.439 сўмлик ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш маҳсулотлари етказиб берилган. Бундан ташқари, тумандаги «Ал-Алимардон» фермер хўжалиги 352.719 сўм, «Абдуғаффоржон» фермер хўжалиги 349.648 сўм, «Фар Мамадали ота» фермер хўжалиги 2.194.373 сўм, «Фар Баҳовиддин хожи» фермер хўжалиги 518.415 сўм, хуллас, жами йигирмадан ортиқ фермер хўжалиги юз эллик мингдан икки юз минг сўмгача миқдорда қарздор бўлса-да, бўлинма мансабдорлари мазкур қарзларни ҳанузгача ундириш чораларини кўришмаган. Натижада бўлинманинг муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги сунъий равишда ўсиб кетган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлгани учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 347-сонли қарорида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора кўрмай, қарздорликнинг ўсишига йўл қўйган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерлари маъмурий ҳамда моддий, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари қатъий белгиланган.

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бўлинмадан «Фар Шаҳрибар» фермер хўжалиги 530.682 сўм, «Озодбек-52» фермер хўжалиги 94.309 сўм, «Фар Муродулло» фермер хўжалиги 67.600 сўм, «Комилбой» фермер хўжалиги 66.293 сўм, «Ўрикзор-2002» фермер хўжалиги 50.000 сўм, «Фар Қўшқилоқ» фермер хўжалиги 91.800 сўм миқдорида ҳақдор бўлишига қарамай, бу хўжаликларга маҳсулот етказиб берилмаган, уларга ўз маблағлари қайтарилмаган. Бу ҳам етмагандек, бўлинма бошлиғи А.Акбаров ва бош ҳисобчи Қ.Бадалов туман солиқ инспекциясига топширган маълумотномаларида бўлинманинг 58.298.597 сўм дебиторлик ва 6.208.508 сўм кредиторлик қарзини яширишган.

Вилоят адлия бошқармаси Ёзёвон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмаси бошлиғи А.Акбаров ва бош ҳисобчи К.Бадаловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддаси ва бошқа тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш юзасидан туман прокуратураси тақдимнома киритди.

Афтидан, бўлинма масъуллари шартнома шунчаки тўлдириб қўйиладиган ҳужжат эмаслигини унутиб қўйишган чоғи. Аслида шартнома талаблари қонун талабидек қатъий ва бажарилиши мажбурийдир. Бу ҳақиқатни тушунмаган ёки тушунишни истамаганлар, шубҳасиз, А.Акбаров ва К.Бадалов сингари мулзам аҳволга тушиб қолишлари тайин.

**Равшанжон ҚИРҒИЗОВ,**
**Уйғунжон ИМОМОВ,**
**Фарғона вилоят адлия бошқармаси ходимлари**

